

# **Термиз туман Давлат солик инспекцияси бошлиғининг ҳисоботи ва тадбиркорларга мурожаати**



Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мизиёев жорий йилнинг 16 март куни давлат солик қўмитасига ташрифи давомида соҳани такомиллаштириш, хусусан солик тизимини рақамлаштириш, солик тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини ошириш, шунингдек, “Соликчи - кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар билан бевосита мулоқотга киришиб, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва солик қонунчилигидаги ўзгаришларни тушунтириш юзасидан бир қатор топшириқлар берганди.

Мазкур топшириқларнинг ижросини таъминлаш, тадбиркорларни солик соҳасидаги ўзгариш ва янгиликлар билан таништириш мақсадида 28 март куни Давлат солик қўмитаси раҳбарияти бошчилигига тадбиркорлар билан учрашув ўтказилди. Термиз шаҳрида ўтказилган учрашувда туманимиздан 120 нафардан ортиқ тадбиркорлар иштирок этишди.

Шунингдек, 2022 йилнинг 1-чораги давомида давлат солик инспекцияси мутахассислари томонидан жами 4 маротаба тадбиркорлар билан бевосита мулоқотлар ўтказилиб, қарийб 240 та тадбиркорлик субъектларига солик қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, янгиликлар, автоматлаштирилган ахборот тизимлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда Термиз туманида 1042 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият юритади. Йил бошидан буён “Соликчи-кўмакчи” тамойили асосида вилоятимиздаги 500 та корхонанинг 500 та муаммолари ўрганилиб, мазкур муаммоларнинг 450 дан ортиғи бевосита солик ходимлари кўмагида ҳал этилди.

Термиз туман давлат солик хизмати органлари ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектлари билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 215 та корхонадаги 354 нафар норасмий ишловчи фуқаролар фаолияти қонунийлаштирилди.

Агар соҳалар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, савдо ва умумий овқатланиш корхонарларида 77 нафар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида 223 нафар, қурилиш корхоналарида 6 нафар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи 48 нафар фуқароларнинг фаолияти расмийлаштирилди ва бюджетга 159,3 миллион сўм қўшимча маблағ йўналтирилди.

Айтиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли ва бизнес учун қулайликларни ошириш, солик муносабатларида инсон омилини камайтириш мақсадида солик маъмуриятчилиги тубдан ислоҳ қилинмоқда. Хусусан, 2020 йилда янги Солик Кодексини қабул қилинди. Солик турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Мулк солиғи эса 5 фоиздан 1,5 фоизга тушди. Қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилди.

2022 йилнинг 1 чораги давомида туманимиз солик тўловчилари томонидан 13 млрд. 873,2 млн. сўм миқдорида солик тўланди.

Бюджетга йўналтирилган маблағларнинг асосий қисми 10,8 млрд. сўми, яъни 77,8 фоизи юридик шахслар, 1,5 млрд. сўми ёки 11,0 фоизи эса жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келди.

Солик турлари бўйича таҳлил этадиган бўлсак, тушумнинг 8,6 млрд. сўм ёки 61,6 фоизини жисмоний шахслар даромад солиғи, 1,4 млрд. сўм ёки 9,8 фоизини жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиғи ҳамда қолган 3,9 млрд. сўм ёки 28,6 фоизини эса бошқа солиқлар ва йиғимлар ташкил этди.

Жорий йилнинг I чораги мобайнида “Солик ҳамкор” дастури орқали Термиз туманида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқ солик ҳуқуқбузарликлари тўғрисида жами 23 та мурожаат келиб тушган бўлиб, мурожаатларга асосан 19 та сайёр солик текширувлари ўтказилди. Бугунги кунга қадар мурожаатлари ўз тасдиғини топган 6 нафар фуқароларнинг банк пластик картасига 3.0 миллион сўм маблағ ўтказиб берилди.

Ўтган 3 ой мобайнида 30 та корхоналарга ер солиғи, 21 та корхонага мол-мулк солиғи, 5 та корхонага ижтимоий солик, 4 та корхонага айланмадан олинадиган солик, 9 та корхонага сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғидан имтиёзлар қўлланилди.

Ҳурматли тадбиркорлар! Термиз туман давлат солик хизмати органи ходимлари солик соҳасига оид барча саволларингизга жавоб бериш, билмаганларингизни ўргатиш ва “Соликчи - қўмакчи” тамойили асосида сизга яқиндан ёрдам беришга доимо тайёрдирлар.

**Комилжон Рахмонов, Термиз туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи  
в.в.б**